САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЯРОВ АКРАМ МУСАЕВИЧ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЛАБОРАТОРИЯ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

УДК 37;004.9

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Суяров Акрам Мусаевич
Олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишни мультимедиали технологиялар асосида такомиллаштириш 3

Суяров Акрам Мусаевич
Совершенствование организации лабораторных и практических занятий в высших учебных заведениях на основе мультимедийных технологий..... 21

Suyarov Akram Musaevich
Improving the organization of laboratory and practical classes in higher education institutions based on multimedia technologies 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications..... 43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЯРОВ АКРАМ МУСАЕВИЧ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЛАБОРАТОРИЯ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped.805 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тайлаков Норбек Исакулович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тожиев Мамарежаб**
педагогика фанлари доктори, профессор

Мустафаев Шомурод Нормўминович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2021.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 08 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 07 да тарқатилди.
(2021 йил «28» 07 даги 5 -рақамли реестр баённомаси)

Х.И. Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий Кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Р. Ураков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

Н.Ш. Шодиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий воситаси сифатида эътироф этилаётган ахборот технологияларининг таълим жараёнини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширувчи хусусиятидан келиб чиқиб, ўқитишнинг масофавий шакллари, машғулотларнинг мультимедия элементлари интеграциялашган кўринишларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етакчи олий таълим муассасалари, таълим муаммолари билан шуғулланувчи турли ташкилотлар тавсияларида таълим тизимини ахборотлаштириш, таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологиялари воситаларини кенг жорий этиш асосий стратегик йўналиш сифатида кўрсатилмоқда.

Жаҳон илм-фанида таълимни ахборотлаштириш асосида виртуал таълим технологияларини жорий қилишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ахборот таълим ресурслари, мультимедиали электрон ўқув мажмуаларни шакллантириш, ахборот коммуникация технологияларидан касбий педагогик фаолиятда фойдаланиш компетенцияларини ривожлантириш, таълимда ахборот технологияларини қўллашнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш асосларини тадқиқ этиш устувор илмий аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, мультимедиали ўқитиш мазмунини таркибий тузилиши ва унинг етакчи йўналишлари, ўқитиш мазмунини узвий такомиллашуви илмий асосланган бўлиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг илмий методик муаммолари, таълимга ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида келажак касблар учун зарур бўладиган малакали битирувчиларни тайёрлашда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, информатика фанини чуқур ўрганишга эътибор қаратган ҳолда, ихтисослаштирилган синф ва мактабларни яратиш амалиётини кенгайтириш”[1] каби устувор вазифалар белгиланган. Шу жиҳатдан қараганда, олий таълим муассасасалари учун информатика фанидан лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган ўқув ва услубий қўлланма, тавсия ва кўрсатмаларни яратиш босқичлари ва талабларини такомиллаштириш, ўқитиш мазмунини лаборатория ва амалий машғулотлари кесимида педагогик лойиҳалаштириш, мультимедиали технологиялар асосида моделлаштириш жараёнларининг илмий-методик жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил. 06/19/5712/3034.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини таълим тизимига жорий этиш бўйича илмий изланишлар бир қатор тадқиқотларда амалга оширилган бўлиб, масалан таълимни ахборотлаштириш воситаларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг назарий асослари У.Ш.Бегимкулов, М.Арипов, А.Ахмедов, Н.И.Тайлаков, таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг методик масалалари А.Абдукодиров, Р.Ҳ.Ҳамдамов, Т.Шоймардонов таълимда педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар Ф.М.Закирова, М.Х.Алламбергенова, Ў.Қ.Толипов, Қ.Т.Олимов, М.Лутфуллаев, Ш.У.Усмонқулов, Р.Ҳ.Джураев, С.Қ.Турсунов, И.У.Назаров, Р.Ҳ.Жўраев, М.Усмонбоева, М.М.Абдуразаков, Қ.М.Каримов, А.И.Тиллаев, И.Б.Аминов, Б.Э.Элмурадов, У. Н.С.Хайтуллаева ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида мультимедиали ўқитиш тизимларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш масалалари қуйидаги олимлар томонидан ўрганилган: ахборот коммуникация технологияларини касбий педагогик фаолиятида фойдаланишга тайёрлаш масалалари И.М.Дергачева, Л.И.Алешин, М.В.Гаврилов, А.Ю.Демин, О.Ю.Заславская, Н.А.Пионтковская, Е.В.Филимонова, О.Новожилов, Г.А.Павелко, Ф.Р.Юзликаев, Е.Е.Смирнова, О.Л.Голицыналар; мультимедиали ўқитиш тизимларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш масалалари Б.Б.Андресен, Е.Ю.Яковлева, А.В.Петьков, С.Ю.Пестова, Г.М.Киселев, В.В.Мозолин, Н.В.Макарова, М.Н.Цой, А.Г.Шмелевалар; мультимедиали ўқитиш тизимларидан фойдаланиш тайёргарлиги масалалари С.А. Бешенков, О.Л.Голицына, Н.Г.Семенова,

В.В.Трофимов, Н.В.Максимов, Ю.А.Прозоровалар; ахборот технологиялари фани ўқитувчиларини касбий тайёрлаш муаммолари Н.Е.Амангелдиев, Г.С.Гохберг, В.А.Далингер, А.Ю.Кравцов, В.Р.Попова, О.М.Гудирева, М.А.Сурхаев, Е.В.Данильчук, Т.А.Гудкова, Е.З.Никоновалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда Batiha K., Salaimeh S.Al., Ortega A., Alvarez R., Klug J., Bruder S., Kelava A., Spiel C., Shmitz B. каби олимлар таълимда ахборот технологияларини қўллашнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш асослари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Мазкур ишларда олий таълим муассасаларида ахборот технологияларини ўқитиш методикаси ва методологиясини янгилаш, ахборот коммуникация технологияларини касбий педагогик фаолиятда фойдаланишга тайёрлаш, информатика ўқитувчиларини шакллантириш мазмуни тадқиқ қилинган ва унинг самарадорлигини оширишда ўзига хос усуллардан фойдаланиш назарда тутилган.

Ўрганилган назарий манбалар мазмуни билан танишиш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш бўлажак педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш ва такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги, замонавий АКТларини ўқув жараёнига жорий этишнинг республикамиз шароитида етарлича илмий асосланмаганлиги ва педагогик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги тадқиқот заруриятини белгилади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Замонавий ахборот тизимлари, бошқариш ва таълим учун ахборот теллекомуникация технологияларини кенг кўламда ривожлантириш ва қўллашни таъминловчи интеллектуал воситалар, маълумотлар базалари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишни мультимедиали технологиялар асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий таълим муассасасалари учун лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган ўқув ва услубий қўлланма, тавсия ва кўрсатмаларни яратиш босқичлари ва талабларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасасаларида “Информатика ва АТ” фанининг ўқитиш мазмунини лаборатория ва амалий машғулотлари кесимида педагогик лойиҳалаштириш орқали такомиллаштириш;

олий таълим муассасасалари учун лаборатория ва амалий машғулотларни мультимедиали технологиялар асосида ташкил қилиш жараёни моделини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасасаларида лаборатория ва амалий машғулотлари учун мулжалланган “Ахборот технологиялари” мультимедиали дарслигини

яратиш ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишни мультимедиали технологиялар асосида ташкил этиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов жараёнида СамДУ, ҚарДУ, ЖизДПИдан 294 нафар талабалар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни мультимедиали технологиялар асосида ташкил этишнинг мазмуни, шакли ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-назарий, педагогик-психологик, мантиқий, илмий-методик манбаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), социометрик (анкета, тест, сўровлар, суҳбат); бевосита ва билвосита педагогик кузатув; педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби назарий ва эмпирик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган методик қўлланмаларни яратиш таркибини шакллантириш динамик вариантлаш ва гуруҳли таҳрирлаш жараёнига устуворлик бериш орқали асосланган;

информатика фанидан лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишга қўйиладиган асосий педагогик мезонлар талаба ва ўқитувчи фаолиятини уйғунлаштиришга йўналтирилган аниқлик, изчиллик, теранлик, зарурлик, амалийлик, функционаллик каби дидактик индикаторларни киритиш асосида аниқлаштирилган;

“Информатика ва АТ” фанини узлуксиз ўқитишда лаборатория ва амалий топшириқни автоматик бажаришнинг узвийлашган бошқарувчи, синаб кўрувчи, моделлаштирувчи, шакллантирувчи тизимининг фанга оид компетенцияларни ривожлантириш имкониятлари фаолиятли ёндашув асосида кенгайтирилган;

лаборатория ва амалий машғулотларни мультимедиали технологиялар асосида ташкил қилиш жараёни моделини ишлаб чиқиш асосида “Ахборот технологиялари” фанидан табақалаштириш, индивидуаллаштириш, визуаллаштириш ва фанлараро боғлиқлик тамойиллари сингдирилган мультимедиали дарслик яратилган ҳамда ундан таълим жараёнида фойдаланиш самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасасаларида лаборатория ва амалий машғулотларини ташкил этиш модели ҳамда уни олий таълим муассасаларида жорий этиш технологияси ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотлари учун “Математика”, “Физика”, “Астрономия”, “Биология”, “Механика”, “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иши” бакалавр таълим йўналишлари талабалари учун назарий машғулотларни ўз ичига оладиган ва лаборатория

ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган “Ахборот технологиялари» фанидан амалиёт” (Самарқанд, 2019. -207 б.) ва “Дастурлаш тиллари асосида математик масалаларни ечиш” (Самарқанд, 2019. -203 б.) номли ўқув қўлланмалар яратилган;

амалий машғулотларга мўлжалланган «WINDOWS операцион муҳити» мавзуси бўйича амалий машғулотлар учун услубий қўлланма (Самарқанд, 2008. -48 б.) ва «MS WORD матн мухаррири» мавзуси бўйича амалий машғулотлар услубий қўлланмалари (Самарқанд, 2007 - 48 б.) нашр этилган;

лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган «Ахборот технологиялари» мультимедиали электрон қўлланма яратилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, қўлланилган усуллар, муаммога фалсафий, педагогик-психологик ёндашувлар ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, Олий аттестация комиссияси эътироф этган махсус ва хорижий журналларда чоп қилинган мақолалар, келтирилган тахлиллар ва тажриба синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасасаларида “Информатика ва АТ” фани бўйича лаборатория ва амалий машғулотлари учун мультимедиали ўқитиш тизимларини яратилганлиги ва таклиф этилган модел(тузилма)нинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва натижаларидан олий таълим муассасасаларида “Информатика АТ” фани бўйича лаборатория ва амалий машғулотлари ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга қаратилган ўқув-методик қўлланмалар ва кўрсатмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасасаларида лаборатория ва амалий машғулотлари учун мультимедиали ўқитиш тизимларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

лаборатория ва амалий топшириқни автоматик бажаришнинг узвийлашган тизими (бошқарувчи, синаб кўрувчи, моделлаштирувчи, шакллантирувчи, практикум), информатика фанини узлуксиз ўқитиш таснифи ва фанга оид компетенциялар моҳияти, мультимедиали технологиялар асосида машғулотларни ташкил қилиш жараёни модели, мультимедиали дарслик яратиш ва ундан таълим жараёнида фойдаланишга оид тавсиялардан 2014-2017 йилларда амалга оширилган ПЗ-2014-0906164153-сонли “Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги №89-03-523- сонли маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасасаларида амалий ва лаборатория машғулотлари учун мультимедиали ўқитиш тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш тизими такомиллаштиришга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган методик қўлланмаларни яратиш босқичлари таркиби, ўқув мазмунини шакллантиришда динамик вариантлаш ва гуруҳли таҳрирлаш жараёнига оид таклифлари 5130100 – Математика, 5140200 – “Физика”, 5140400 – “Астрономия”, 5630100 – “Биология”, 5140300 – “Механика”, 5110700 – “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иши” бакалавр таълим йўналишларида тажриба синовдан ўтказилган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 сентябрдаги №89-03-3449- сонли маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасасаларида лаборатория ва амалий машғулотлари бўйича талабаларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

информатика фанидан лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишга қўйиладиган асосий педагогик талаблар, топшириқ мезонлари (аниқлик, изчиллик, теранлик, зарурлик, чекланганлик, амалийлик каби) бўйича мезонлар талаба ва ўқитувчи фаолиятини уйғунлаштиришга йўналтирилган дидактик баҳолаш индикаторларини ажратишга оид таклифлари “Ахборот технологиялари» фанидан амалиёт” ва “Дастурлаш тиллари асосида математик масалаларни ечиш” номли ўқув қўлланмалар мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги №89-03-921- сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланмалар ва электрон қўлланма талабаларда ўз-ўзини намоён қилиш, бошқариш ва баҳолаш компетенцияларни шакллантириш жараёнини, уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 6 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 боб, 11 та параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

- Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этиш педагогик муаммо сифатида, лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ёки кўрсатмаларни яратишга қўйиладиган талаблар, лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ва кўрсатмаларни яратиш босқичлари ёритиб берилган.

Диссертациянинг дастлабки параграфида олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун мўлжалланган методик кўрсатма, методик қўлланмаларни яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш тўғрисида фикр юритилган.

ОТМларда талабаларни мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этишга, билимларни мустақил эгаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантиришга қаратиш ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаш лозимлигини кўрсатдики, улар талабаларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан мустақил эгаллашлари, ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва эришилган билимларни янги билимлар олишларида фойдаланиш малакаларига эга бўлишларини тақозо этди.

Тадқиқот ривожида лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ёки кўрсатмаларни яратишга қўйиладиган талаблар келтирилган.

Лаборатория ва амалий машғулотларини сифатли ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- талабага мавжуд билим кўникмаларини шакллантиришга кўмак берувчи тушунарли ва бажариш учун қулай лаборатория топшириғини тақдим этиш;
- лаборатория ва амалий машғулотига алоқадор янги билимларни тушунишда талабаларга ёрдам берадиган қизиқарли схемалар, диаграммалар, турли чизмалар ва жадваллар киритиш;
- эришилган билим ва кўникмаларни ишлатиш мақсадида амалий машқлар ва назорат саволларини келтириш,

- ўқитувчи–профессорлар лаборатория ва амалий машғулотларида фойдаланиш учун услубий қўлланмалар яратиш.

Диссертациянинг биринчи бобининг навбатдаги параграфида лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ёки кўрсатмаларни яратишга қўйиладиган талаблар очиб берилган.

Лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ёки кўрсатмани яратишда муаллифлар қуйидагиларга эътиборни қаратиши лозимлиги уқтирилган:

- амалий тажриба ва фан эҳтиёжларини инобатга олиб лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма қўлёзмасини тажрибали ўқитувчи–профессорлар билан муҳокама қилиш;
- лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланмани яратишда республикамиздаги мавжуд ОТМларнинг талабалар доираси, яъни уларнинг таҳсил олиш шароитлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш;
- услубий қўлланманнинг тили талабаларнинг ёшига мос келишини инобатга олиш;
- фан ўқув дастурини услубий қўлланмани яратишда асос қилиб олиш;
- таклиф этилаётган лаборатория ва амалий топшириқлари ва уларни бажариш жараёни талабаларни фаолликка ундаши, маълумот бериш билан чекланмаслиги, талабаларни танқидий фикрлашга ундаши, аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтириши, мутахассислик фанлари (Ўрта профессионал таълимида ва олий таълим муассасалари учун) билан боғлиқ бўлиш каби бир қатор хислатларга эга бўлиши лозим.

Лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган топшириқлар қуйидаги мезонлар асосида тузилиши қайд этилган:

1. Топшириқларни тушунарли ва мантиқий усулда тузиш, бажариш жараёнини осонлаштириш учун иллюстрация ва чизмалардан фойдаланган ҳолда жойлаштириш.
2. Талабаларни ёши, физиологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда топшириқни тушунарли, равон ва қизиқарли шаклда тузиш, лаборатория мазмунига алоқадор фикрларни аниқ ифода этиш.
3. Топшириққа тегишли билимларни қисқа баён қилиш ҳамда манба билан ўзаро теран боғлаш.
4. Топширқни тузишда ўзига хос ва бетакрорликни, ўқув предметига ва талабанинг билимга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиш.
5. Лаборатория ва амалий топшириғини предмет дастурига тўла мос келадиган ва уни тўлалигича қоплайдиган шаклда ёзиш.
6. Мазмуннинг аниқлиги, рангларга мослиги, бехатолигини таъминлаш.
7. Топшириқ ҳажмига эътибор бериш.
8. Талабаларни берилган топшириқ устида ишлашга ва амалда қўллашга имкон яратувчи мезонларга амал қилиш.

Лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган тошпириқлар талабаларнинг давлат таълим стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билим малака ва кўникмаларни фаол ва онгли суратда ўзлаштиришга ёрдам берувчи, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган асосий восита ҳисобланади.

Яратиладиган лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган топшириқлар олдига қуйидаги *вазифалар* қўйилади:

- талабаларнинг мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантириш;
- ўзлаштирилган билимларнинг кундалик турмуш амалиёти билан боғлаш;
- ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш;
- бошқа фанлар билан интеграциялашув;
- фанга оид етарли миқдордаги маълумотларни ўзида мужассамлаштириш;
- таълим олишнинг турли услубларини ўзида мужассамлаштириш;
- таълим олувчига ўз-ўзини ёки таълим берувчига таълим олувчилар билимини баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини бериши.

Тадқиқот ривожида лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ва кўрсатмаларни яратиш босқичлари келтирилган.

Биринчи босқичда:

- лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган услубий қўлланма, тавсия ва кўрсатмаларни яратиш лаборатория машғулотларининг илмий услубий, ташкилий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш;
- лаборатория ва амалий машғулотларидан фойдаланишга мўлжалланган ахборот технология ва моддий техник базани яратиш;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари ўқув жараёнларига лаборатория машғулотларини татбиқ этиш ва қўллаш борасида илмий услубий тадқиқотлар ўтказиш.

Лаборатория ва амалий машғулотларини яратиш ва амалиётга жорий қилишнинг **иккинчи босқичи**да:

- тегишли таълим турларида лаборатория ва амалий машғулотларидан фойдаланишга киришиш ва ўқитиш технологияларини синовдан ўтказиш;
- таълим муассасаларининг техник инфратузилмасини такомиллаштириш ва компьютер дастурлари бўйича моддий техник таъминотини талаб даражасига чиқариш;
- таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларининг кутубхонасини ташкил этиш.

Учинчи босқичда:

- лаборатория ва амалий машғулотлари учун мультимедиали дарсликларнинг янги авлодини яратиш ва улар билан таълим муассасаларини таъминлаш;
- лаборатория ва амалий машғулотларини ўқув жараёнида ялпи қўллаш;

лаборатория ва амалий машғулотларининг мазмуни билим олувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукамммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни излаб топиш кўникмаларни ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган методик қўлланмаларни яратиш босқичларини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:



1-расм. Лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган методик қўлланмаларни яратиш босқичлари

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида информатикадан лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг амалий асослари”** деб номланган иккинчи бобида Информатикадан лаборатория ва амалий машғулотларини ташкил этишга қўйиладиган асосий педагогик талаблар, олий таълим муассасаларида информатикадан лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг мазмуни, узлуксиз таълим тизимида информатикани узвий ўқитишнинг фундаментал асослари ёритилган.

Талаба ва ўқитувчи фаолиятини дарслик воситасида уйғунлаштиришнинг шакл ва усуллари дарсликдан фойдаланишнинг методик қўлланмасида ўз ифодасини топади.

Лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган методик кўрсатма ёки қўлланма билан ишлаш жараёнида муаллифлар лаборатория машғулотлари олий таълим муассасалари намунавий ўқув режасига киритилган мазкур фан дастурига асосланиши лозим. Топшириқлар мазкур фаннинг сўнги ютуқларини қамраб олиши, мазкур фан соҳасида хорижий муаллифлар томонидан яратилган янги лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган ишланмалардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган топшириқлар қуйидаги мезонлар асосида тузилади:

1. Талабаларнинг ёши, физиологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда топшириқни тушунарли, равон ва қизиқарли шаклда тузиш.

2. Топшириқларни тушунарли ва мантиқий изчил бажариш жараёнини осонлаштириш учун иллюстрация ва чизмалардан ўринли фойдаланиш.

3. Лаборатория ва амалий машғулотлар топшириғи мазмунига алоқадор фикрларни аниқ қўллаш.

4. Топшириққа тегишли билимларни қисқа баён қилиш ҳамда манба билан ўзаро теран боғлаш.

5. Топшириқни тузишда ўзига хос ва бетакрорликни, ўқув предметига ва талабанинг билимга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиш.

6. Лаборатория ва амалий машғулотлар топшириғини предмет дастурига тўла мос келадиган ва уни тўлалигича қоплайдиган шаклда ёзиш.

7. Топшириқ мазмунининг аниқлиги ва бехатолигини таъминлаш.

8. Топшириқ ҳажмини кенгайиб кетмаслигига эътибор бериш.

9. Талабаларни берилган топшириқ устида мустақил ишлашга ва амалда қўллашга имкон яратиш.

10. Лаборатория ва амалий машғулотлари муайян йўналишдаги билимлар беришдан ташқари, талабаларда оламни, табиат ва жамиятни идрок этишга оид тушунчаларни шакллантиришга хизмат килиши керак. Лаборатория ва амалий машғулотларини ташкил этишда республикамиз ва хорижий мамлакатлардан орттирилган бошқа бой тажрибалардан кенг фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ривожида олий таълим муассасаларида информатикадан лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг мазмуни, шунингдек олий таълим тизимида “Информатика ва АТ” фанини узвий ўқитишнинг фундаментал асослари ёритилган.

Диссертациянинг **“Лаборатория ва амалий машғулотлари мазмунини педагогик лойиҳалаштириш”** деб номланган учинчи бобида олий таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” курсини ўқитишни педагогик лойиҳалаштириш, ОТМларида “Информатика ва АТ” фанидан маъруза, лаборатория ва амалий машғулотлар, мустақил таълимнинг мазмунини белгилашнинг назарий-методологик асослари, ОТМлари учун яратилган “Информатика ва ахборот технологиялари” мультимедиали электрон қўлланмадан фойдаланишнинг амалий асослари баён этилган.

Олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этишни мультимедиали технологиялар асосида такомиллаштириш модели 2-расмда акс этган.

Тадқиқот доирасида ОТМлари учун «Информатика ва ахборот технологиялари» мультимедиали электрон қўлланма яратилган диссертациянинг навбатдаги параграфида ундан фойдаланишнинг амалий асослари ёритилган.

Мультимедиали электрон қўлланмани ишга тушириш учун AutoPlay Media Studio дастури ўрнатилиб 

ишловчи файл танланади. Натижада «Информатика ва ахборот технологиялари» фанидан

мультимедиали электрон қўлланманинг титул варағининг кўриниши пайдо бўлади (3-расм).



2-расм. Олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни мультимедиали технологиялар асосида такомиллаштириш модели

Диссертациянинг **“Мультимедиали ўқитиш тизимлари самарадорлигини аниқлашнинг тажриба-синов ишлари”** деб номланган тўртинчи бобида лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган мультимедиали ўқитиш тизимларини самарадорлигини аниқлашнинг метод ва шакллари, лаборатория ва амалий машғулотлар учун мўлжалланган мультимедиали ўқитиш тизимларининг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг таҳлили келтирилган.

3-расм. Дастурнинг титул варағи кўриниши

Педагогик тажриба ишларини амалга ошириш учун қуйидаги тажриба-синов материаллари тайёрланди:

1. Танланган топшириқларни текшириш учун талаблар мажмуи.
2. Лаборатория ва амалий машғулотларини текширишга тааллуқли бўлган асосий тушунчалар рўйхати.
3. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш учун назорат тести материаллари.
4. Талабаларнинг билим ва малакасини текшириш учун тажриба топшириқларига оид тестлар.
5. Амалий ишларни олиб боришга доир кўрсатмалар.
6. Тест натижаларини ёзиб бориш шакллари (савол ва жавоб варақалари).
7. Ўқитувчилар ва талабалар учун анкеталар.

Таълим муассасалари учун яратилган барча Мультимедиали электрон қўлланмалардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида математик статистика усулларидан фойдаланилди.

Самарқанд давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қарши давлат университети талабаларида “Информатика ва АТ” фанини ўқитиш бўйича мультимедиали электрон қўлланмасини тажрибада синашда 294 талаба қамраб олинди. Шундан биз математик-статистик таҳлил қилиш учун 2 та гуруҳни танлаб олдик. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий кўрсатгичлари қуйидагича (1-жадвал).

1-жадвал

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий кўрсатгичлари

№	Таълим йўналиши номи	Гуруҳлар	Талабалар сони	Жавоблари		
				Юқори	Ўрта	Паст
1.	СамДУ, Педагогика	Тажриба гуруҳи	60	22	28	10
2.		Назорат гуруҳи	58	14	24	20
3.	Жиззах ДПИ, Математика	Тажриба гуруҳи	50	20	25	5
4.		Назорат гуруҳи	48	12	21	15
5.	Қарши ДУ, Педагогика	Тажриба гуруҳи	40	18	19	3
6.		Назорат гуруҳи	38	10	15	13
7.	Жами ўртача	Тажриба гуруҳи	50	20	24	6
8.		Назорат гуруҳи	48	12	20	16

Олинган сонли маълумотларни Стьюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлили ўтказилган.

Мазкур кўрсаткичларга мос келган полигонларни қуйидагича бўлади (4-расм).



4-расм. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг кўрсаткичига мос полигонлар кўриниши.

Юқорида олиб борилган статистик таҳлиллардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳларида қўлланилган синов методикаси самарадор бўлиб, ўтказилган тажриба-синов таҳлиллари уни республикамиз умумтаълим мактаблари миқёсида оммалаштириш мумкинлигига асос яратади.

ХУЛОСА

Олий таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун мўлжалланган электрон қўлланма ва ресурсларни ўрганиш қуйидаги хулоса ва тавсиялар қилиш имконини берди:

1. Мультимедиали электрон қўлланма ва ахборот-таълим ресурсларини яратишга доир ижтимоий, психологик, педагогик, методик адабиётларни илмий назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этиш уларни яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, мезонлар, тузилиши, шакллари ва турларини бир бутун яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш лозимлигини белгилади. Шу нуқтаи назардан мультимедиали электрон қўлланма ва ресурсларни яратишга қўйиладиган педагогик талаблар, мезонларни бугунги таълим-тарбия тизимида кечаётган ислоҳотлар нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда илмий жиҳатдан такомиллаштириш зарур.
2. Олий таълим муассасаларида “Информатика ва АТ” курси бўйича мультимедиали электрон қўлланма ресурсларни шакллантиришда фанга оид илмий ва амалий аҳамиятга молик назарий маълумотлар, қонун-қоидалар, тушунчалар берилиши билан биргаликда, даставвал улар талабаларнинг ёши ва психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яратилиши, фанлараро боғланишда такрорлашнинг олдини оладиган изчил кетма-кетликка асосланган уйғунликнинг бўлиши лозим.
3. “Информатика ва АТ” курси мисолида мультимедиали электрон қўлланма ва ахборот-таълим ресурсларини яратиш мезонлари белгиланди, мультимедиали электрон қўлланмаси яратиш босқичлари илмий асосланди, уларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди, мультимедиали электрон қўлланма яратиш босқичлари, хусусан мақсадларни аниқлаш, мундарижа тузиш, режалаштириш, дарсликнинг илк қўлёзмасини тайёрлаш, таҳрир қилиш ва фойдаланишга топшириш босқичлари илмий нуқтаи назардан очиб берилди.
4. Олий таълим муассасаларида “Информатика ва АТ” курсини ўқитишнинг таълим йўналишларига мос хусусиятлари аниқланди ва такомиллаштирилди. Олий таълим муассасаларида “Информатика ва АТ” таълими талабаларни компьютернинг кенг имкониятларидан хабардор қилиш, компьютер билан мулоқот ўрнатиш усулларини ўргатиш, ўз соҳасига оид дастурий воситалар ва амалий дастурлар пакетларидан фойдаланишни ўргатиш ва турли мутахассислик масалаларини еча олишга йўналтирилиши педагогик нуқтаи назардан асосланди.

5. Олий таълим муассасаларида “Информатика ва АТ” таълими талабаларини компьютернинг кенг имкониятларидан хабардор қилиш, компьютер билан мулоқот ўрнатиш усулларини ўргатиш, ўз соҳасига оид дастурий воситалар ва амалий дастурлар пакетларидан фойдаланишни ўргатиш ва турли мутахассислик масалаларини еча олишга йўналтирилиши педагогик нуқтаи назардан асосланди. Шу нуқтаи назардан “Информатика ва АТ” фанидан лаборатория ва амалий машғулотларнинг мазмунини танлашнинг назарий методик асослари очиб берилди.

6. ОТМлари учун “Ахборот технологиялари» фанидан амалиёт” (Самарқанд, 2019. –207 б.) ва “Дастурлаш тиллари асосида математик масалаларни ечиш” (Самарқанд, 2019. –203 б.) номли ўқув қўлланмалар нашр этилди ва улар асосида лаборатория ва амалий машғулотлари учун мўлжалланган «Информатика ва ахборот технологиялари» мультимедиали электрон қўлланма яратилди ва ундан фойдаланишнинг амалий асослари ёритилди.

7. Таълим тизимида мультимедиали электрон қўлланмалар яхши самара бериши ва уларга катта эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. “Информатика ва АТ” фанидан яратилган мультимедиали электрон қўлланма республикамизнинг 3та олий таълим муассасалари - Жиззах давлат педагогика институти, Қарши давлат университети амалиётида тажриба-синовдан ўтди. Синов натижалари яратилган мультимедиали электрон қўлланмани таълим жараёнида қўллаш самарали эканлигини кўрсатди.

НАУЧЕНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЯРОВ АКРАМ МУСАЕВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ ЛАБОРАТОРНЫХ И ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ НА ОСНОВЕ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

13.00.01 - Педагогическая теория. История педагогического образования

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктор философии (PhD) по педагогичесим наукам

Самарканд-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Ped.805.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на сайте Ученого совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале "ZiyoNET" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Тайлаков Норбек Исакулович** доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Тожиев Мамарежаб** доктор педагогических наук, профессор
	Мустафаев Шомурод Нормуминович доктор философии PhD по педагогике, доцент
Ведущая организация:	**Наваинский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «10» 08 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандского государственного университета (адрес: 140104, г. Самарканд, пр. Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: Kengash-pf@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № 36). (Адрес: 140104, г. Самарканд, проспект Университетский бульвар, дом 15. Тел .: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан «28» 07 2021 года.
(Реестра протокола рассылки № 5 от «28» 07 2021 г.).

Х.И. Ибраимов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Ш.Р. Ураков
Ученого секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.п.н. (PhD)

Н.Ш.Шодиев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с организацией учебного процесса и его эффективностью, которая признана ключевым инструментом социально-экономического развития в мире, особое внимание уделяется использованию на занятиях дистанционные формы обучения, интегрированные формы мультимедийных элементов. Информатизация системы образования, повсеместное внедрение информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс рассматриваются как основное стратегическое направление в рекомендациях ведущих вузов и различных организаций, занимающихся вопросами образования.

В мире проводятся исследования, направленные на совершенствование системы образования за счет формирования технологий виртуального обучения, информационных образовательных ресурсов, мультимедийных электронных обучающих комплексов и их эффективного использования в образовательном процессе на основе информатизации образования. Использование мультимедийных систем обучения определено как важный приоритет в прямой связи электронных образовательных ресурсов, учебников и учебной литературы в электронном виде на основе информационных и коммуникационных технологий, подготовке опытных, квалифицированных и современных специалистов. А также это требует, чтобы структура мультимедийного содержания обучения и его основные направления, и комплексное совершенствование содержания обучения были научно обоснованы.

Особое внимание уделяется совершенствованию содержания преподавания «Информатики и информационных технологий» в высших учебных заведениях страны, в частности, научно-методическим проблемам преподавания «Информатики и информационных технологий» в высшей школе, внедрению информационных технологий в образование. Концепция развития системы народного образования до 2030 года устанавливает такие приоритеты, как «изучение передового зарубежного опыта подготовки квалифицированных выпускников к будущим профессиям в области информационно-коммуникационных технологий, расширение практики создания специализированных классов и школ с ориентацией на углубленное изучение информатики[1]». В связи с этим для высших учебных заведений важно совершенствовать этапы и требования к разработке учебно-методических пособий, рекомендаций и методических указаний для лабораторных и практических занятий по информатике, педагогическое проектирование и моделирование процесса содержания обучения на лабораторных и практических занятиях на основе мультимедийной технологии.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № ПФ-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2019. 19.06.5712/30 34.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнения задач, поставленных в ПФ-4947 Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», ПФ-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию области информационных технологий и коммуникации», ПФ-5712 от 29 апреля 2019 г. «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 г.», ПФ-5847 от 8 октября 2019 г. «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», постановление Кабинета Министров от 24 июля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета» и связанные с этой деятельностью других нормативных правовых актов.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках первого приоритета развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства»

Степень изученности проблемы. Научные исследования по внедрению современных информационно-коммуникационных технологий в систему образования в стране проводились в ряде исследований, например, У.Ш. Бегимкулов, М. Арипов, Теоретические основы создания и использования средств учебной информации, А. Ахмедов, Н. И. Тайлаков, Методические вопросы использования компьютерных технологий в образовании, А. Абдукодиров, Р. Х. Хамдамов, Т. Шоймардонов, Исследование внедрения педагогических и информационных технологий в образовании, а так же это изучено Закировой Ф.М., Алламбергеновой М.Х., Толиповым О.К., Олимовым К.Т., Лутфуллаевым М., Усмонкуловым Ш.У., Джураевым Р.Х., Турсуновым С.К., Азаровым И.Ю., Жураевым Р.Х. Усмонбоевой, М.М.Абдуразаковым, Г.М.Каримовым, А.И.Тиллаевым, И.Б.Аминовым, Б.Е. Эльмурадовым, Н.С. Хайтуллаевой и другими.

Вопросы совершенствования механизмов использования мультимедийных образовательных систем в странах Содружества Независимых Государств изучались учеными: вопросы подготовки информационно-коммуникационных технологий для использования в профессиональной педагогической деятельности Дергачева И.М., Алешин Л.И., Гаврилов М.В. , А.Ю. Заславская, Н.А. Пионтковская, Е.В. Филимонова, О. Новожилов, Г.А. Павелко, Ф.Р. Юзликаев, Е.Е. Смирнова, О.Л. Голицыны; проблемы совершенствования механизмов использования мультимедийных образовательных систем Б.Б. Андресен, Е.Ю. Яковлева, А.В. Петков, С.Ю. Пестова, Г.М. Киселев, В.В. Мозолин, Н.В. Макарова, М.Н. Цой, А.Г. Шмелева; вопросы подготовки к использованию мультимедийных обучающих систем С.А. Бешенков, О.Л. Голицына, Н.Г.

Семенова, В.В. Трофимов, Н.В. Максимов, Ю.А. Прозорова; проблемы профессиональной подготовки учителей информационных технологий Н.Е. Амангельдиев, Г.С. Гоксберг, В.А. Далингер, А.Ю. Кравцов, В.Р. Попова, О.М. Гудирева, М.А. Сурхаев, Э. Исследователи: В.Данильчук, Т.А.Гудкова, Э.З.

Например в зарубежных странах ученые, как Batiha K., Salaimeh S.Al., Ortega A., Alvarez R., Klug J., Bruder S., Kelava A., Spiel C., Shmitz B. провели исследования о важности использования информационных технологий в образовании и основ их использования.

В этой работе планируется обновить методологию и методику обучения информационным технологиям в высшей школе, подготовить информационно-коммуникационные технологии для профессиональной педагогической деятельности, сформировать компетенцию учителей информатики и использовать конкретные методы для повышения их эффективности.

Ознакомление с содержанием изученных теоретических источников, изучение и анализ деятельности высших учебных заведений, актуальность проблемы повышения качества профессиональной подготовки будущих учителей, внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс высших учебных заведений в условиях республики недостаточно научно обосновано и недостаточно изучено педагогически, что определяет необходимость проведения исследований.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Исследование диссертации выполнено в рамках практического проекта Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук ПЗ-2014-0906164153 на тему «Разработка механизма противодействия информационным угрозам у учителей через научно-педагогические и учебные публикации» (2014-2017).

Целью исследования совершенствование организации лабораторных и практических занятий в высших учебных заведениях на основе мультимедийных технологий.

Задачи исследования:

совершенствование этапов и требований к разработке учебно-методических пособий, рекомендаций и методических указаний по лабораторным и практическим занятиям для высших учебных заведений;

улучшение содержания преподавания предмета «Информатика и ИТ» в высших учебных заведениях с помощью педагогического проектирования в области лабораторных и практических занятий;

разработка модели процесса организации лабораторных и практических занятий на основе мультимедийных технологий для вузов;

разработка рекомендаций по созданию мультимедийного учебника «Информационные технологии» для проведения лабораторных и

практических занятий в высших учебных заведениях и его использования в учебном процессе.

Объектом исследования был процесс организации лабораторий и практических занятий в высших учебных заведениях на основе мультимедийных технологий, в котором приняли участие 294 студента Самаркандского государственного университета, Каршинского государственного университета, Джизакского государственного педагогического института.

Предмет исследования - содержание, формы и средства организации лабораторных и практических занятий в высших учебных заведениях на основе мультимедийных технологий.

Методы исследования. Для достижения цели и задач исследования использовались теоретические и эмпирические методы, такие как математическая статистическая обработка, анализ и обобщение результатов, изучение и сравнительный анализ научно-теоретических, педагогико-психологических, логических, научно-методических источников, моделирование (дизайн), социометрический (анкета, тест, опрос, интервью) анализ, прямое и косвенное педагогическое наблюдение, и педагогический эксперимент.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

предназначен для лабораторных и практических занятий в высших учебных заведениях отдающий приоритеты процессам создания методических пособий, формирования содержания, динамических вариаций в соответсвии с групповым редактированием;

Основные педагогические критерии организации лабораторных и практических занятий по информатике определяются на основе введения таких дидактических показателей, как точность, последовательность, глубина, необходимость, практичность, функциональность, направленных на гармонизацию деятельности ученика и преподавателя;

в непрерывном преподавании «Информатики и информационных технологий», возможности развития научных компетенций интегрированной, контрольной, тестовой, моделирующей, формирующей системы автоматического исполнения, расширенны на основе активного подхода;

при разработке модели процесса организации лабораторных и практических занятий, на основе мультимедийных технологий, создан мультимедийный учебник по предмету «Информационные технологии» с принципами стратификации, индивидуализации, визуализации и междисциплинарной связи, а также определена эффективность его использования в учебном процессе.

